



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

9 (278)

2014 йил 5 март, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Амир Темур ва Темурийлар даври Ўзбекистон тарихининг олтин саҳифаларидан жой олган. Айнан истиқлолга эришганимиздан сўнг бу давр ўзининг ёрқин ва ҳаққоний ифодасини топди



Қарши шаҳридаги 9-болалар мусиқа ва санъат мактабида 171 нафар ўғил-қиз фортепьяно, халқ чолғу асбоблари, торли ва камонли асбоблар ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат, эстрада йўналишларида сабоқ олмоқда



Бугунги кунда Ҳиндистонда кўппартиявийлик тизими шакланган бўлиб, бу партиялараро эркин рақобат ва парламент фаолиятининг ривожланишига муносиб хизмат қилмоқда



## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## 5 МАЪНАВИЯТ

## 7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### Хабарлар

#### Хайрли иш

Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, кўча ва хибонларида баҳорги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Соғлом бола йилида "Ҳар бир фарзанд учун бир туп кўчат" ташаббуси асосида иш олиб борилаётгани эътиборлидир. Ушбу хайрли ишга Самарқанд вилоятидаги ўрмон хўжаликлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу йилги мавсум учун туманлардаги ўрмон хўжаликлари ва ишлаб чиқариш участкаларида бир миллион 907 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчати тайёрланди. Истиқлол йилларида бу анъаналар янги мазмун билан бойиб, замонавий тус олгани янада хайрлидир. Бинобарин, бугун яхши ният билан экилган кўчат неча-неча авлодларга хизмат қилажак.

#### Ишончли ҳимоя

"Пойтахт" бизнес марказида виртуал воситаларни зарарли дастурий маҳсулотлар таъсирдан энг замонавий антивирус дастурлар ёрдамида ҳимоя қилиш усуллари бўйича семинар ўтказилди.

Семинар Ўзбекистондаги "Softline International" ташкилоти ҳамда "Касперский лабораторияси" вакиллари томонидан ташкиллаштирилди. Унда юртимизда фаолият юритаётган қатор компания вакиллари иштирок этди. Тадбирда дастурий ишлаб чиқаришнинг хавфсизлигини таъминловчи виртуал воситаларга, шунингдек, ҳозирги вақтда ишончли ҳимоя вазифасини ўтаётган махсус антивирус дастурларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, семинарда иш жараёнларини автоматлаштириш ва тармоқ орқали умумжамоа вакиллари-нинг маълумотлардан фойдаланишини мувофиқлаштиришга қаратилган "DeskWork" корпоратив портали салоҳияти ҳам кенг намойиш этилди.

#### Халқаро сайёҳлик ярмаркаси

Жakarta (Индонезия)да "TTC Travel Mart-2014" XX халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тадбирда дунёнинг 200 дан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари қатори юртимиз вакиллари ҳам иштирок эттишти. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти Индонезиянинг "Miramax Travel Management" компанияси билан ўзаро ҳамкорликда намойиш қилинди. Халқаро ярмарка меҳмонлари юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, кўҳна шаҳарларимиз, бекиёс мезморий обида ва ёдгорликларимиз билан яқиндан таништи. Таъкидлаш жоизки, миллий услубда безатилган Ўзбекистон бўлмаси ярмарканинг кўп сонли қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

### Пленум



## Изчил изланиш ва доимий ҳаракат

орқали партия дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиб, электорат манфаатларига хизмат қилиш устувор вазифамиз

Тошкентда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг XII-плени бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг ўтган йилдаги фаолияти яқунлари ва ушбу йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда ўтган йилдаги партия фаолияти танқидий таҳлил қилинган экан, иштирокчилар эътибори партия ишини бугунги кун талаблари асосида янада кучайтиришга қаратилди. Айниқса, мамлакатимизда кўппартиявий тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш - демократик давлат барпо этишнинг муҳим шarti эканлиги алоҳида таъкидланди, ҳар қайси партия ўз тарафдорлари манфаатини ҳимоя қилиш,

ўзини амалда кўрсатиш, одамларни ортидан эргаштириш ва уларни эзгу мақсадларга бошлашга қодир бўлиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Пленумда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари қонунлар сифатини яхшилашга ва электорат манфаатларига қаратилган гоя ва дастурларни илгари суришда, аниқ мақсадларни кўзловчи, масаланинг муқобил ечимини кўрсатиш берувчи дас-



тур ва лойиҳаларни илгари суришда бошқа партиялар билан амалий негизда рақобат қилишга етарли даражада ташаббус кўрсатилмаётганлиги таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, партия раҳбари Сарвар Отмуратов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик

партиясининг дастурий гоя-мақсадларини, мафкуравий, сиёсий вазифаларини, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаолиятини тубдан кучайтиришга қаратилган масалалар устида тўхталиб ўтди.

2-бет

### Фракция ҳаёти

## Давлат дастури қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгайтирилган йиғилишда фракция аъзолари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирок эттишти. Унда жорий йилнинг 19 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлод камолоти, вояга етмаганларнинг таълим ва тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва соғлом инсонлар сифатида улғайтиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мазмун ва моҳияти, аҳамияти ва кўлами эса, тобора кенгайиб бормоқда. Болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилгани, уларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг жорий этилгани, замон талабларига мос таълим ва соғломликни сақлаш, спорт муассасаларининг барпо этилаётгани, умуман, бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар кўриб борилаётгани натижада салмоқли юртда кўлга киритилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат

қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва жамият тараққиётининг ривожини ўсиб келаётган авлод камолотига боғлиқ. Болани олий маънавий қадриятлар, фуқаролик бурчини ба-жаришга онгли равишда муносабатда бўлиш руҳида вояга етказиш ўз моҳияти билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олувчи серқирра жараён ҳисобланади.

Шу маънода, жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ҳамда мазкур йўналишда махсус Давлат дастури қабул қилиниши, унда амалга оширилиши режалаштирилган мақсад ва вазифалар мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати оқилона, узоқни кўзлаб олиб борилаётгани ва бу йўл нақадар тўғри эканининг ёрқин исботидир. Шунини алоҳида қайд этиш керак, мазкур Давлат дастури партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар ва партия фаоллари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

2-бет

### 8-март — Халқаро хотин-қизлар куни

## Нафосат, садоқат, шижоат ТИМСОЛИ — аёл

манфаати ЎзМТДП фаолиятининг асосий йўналиши

Аёл... Энг яхши газалар, энг яхши асарлар аёл ҳақида. Энг чиройли ташбеҳлар билан ойга, гулга қиёс этилувчи, нафосат, садоқат, ирода, жасорат ва меҳр тимсоли дея эътироф қилинувчи бу мўътабар зотга бериладиган таърифларнинг чеки йўқ. Аёл, айниқса, энг олий мақом — она экани билан мунис ва муқаррамдир.

Юртимизда янгилиниш ва яшариш фасли — баҳор нафаси уфуриб, қир-адирларда бойчечак бўй кўрсатган, кўнгилларда эзгулик ёғдулари ёғила бошлаган палла аёллар ҳар қачонгиданда қадрланади. Халқаро микёсида кенг ишониланадиган хотин-қизлар куни юртимизнинг ҳар бир гўшасида, муассаса ва ташкилотларда, маҳалла ва хонадонларда ўз аксини кўрсатади. Нозик ва улуғвор хилқат саналмиш хотин-қизлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири-

га айлангани ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, ўрни ва нуфусини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Асосий қонунимиз ҳисобланган Конституцияимизнинг алоҳида бобида оила, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши масаласи ўз аксини топди.

Сени Тўмарис деб атаганим бор,  
Сен Темур бешигин тебратган бедор,  
Сенсан, Бибиҳоним, Нодираи зор,  
Пайт келди, айтмоққа гапинг хонаси,  
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси...

Аёлларга бўлган юксак эътибор ва ғам-хўрликнинг амалий исботи сифатида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, улар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Баркамол авлод, Мустаҳкам оила, Обод турмуш ҳамда Соғлом бола йиллари муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари, Президент Фармон ва Қарорлари замирида ҳам хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кенг шарт-шароит яратиш мақсади мужассам.

4-бет

### Муносабат

Ўзбекистонда миллий давлатчиликни ривожлантиришнинг ўзига хос таърибаси шакланган бўлиб, 1996 йилдан буён муҳтарам Юртбошимиз томонидан кириб келаётган янги йилга ном берилиб, унга ҳамоҳанг мақсад ва вазифалар белгилаган махсус Давлат дастурлари қабул қилинади.

## Соғлом авлодни тарбиялаш


борасидаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилади

Шу асосда ислохотларнинг тизимлилиги ва босқичма-босқичлилиги, давлат бюджетидан ушбу масалалар рўёби учун ажратилаётган маблағларнинг мақсадлилиги ва манзиллилиги таъминланмоқда. Энг муҳими, бу вазифаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи билан ҳамкорликда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётгани ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятидан далолат беради.

4-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





## Боқий мерос

# Аждодлар сиймоси

авлодлар эътибори ва эҳтиромида



**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ЎзР ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи, Халқаро Амир Темур фонди, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Бобур номидаги халқаро фонд ҳамкорлигида “Мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темурийлар тарихининг тадқиқ этилиши, аждодларимиз сиймоларининг ўзбек адабиёти, таърихий санъати ҳамда драматургиясида яратилиши” мавзусида тадбир ташкил этилди.**

мур меросини ўрганиш бўйича Европа тилларида 1000 га яқин, шарқ тилларида эса 900 га яқин китоб нашр этилди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, буюк аждодларимиз сиймоси, уларнинг хотирасига авлодлар томонидан чуқур эҳтиром кўрсатила бошланди, - деди семинарда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев. — Соҳибқирон Амир Темур юртдошларимиз, ёш авлод тасавурида жасорат тимсолига айланди. Умрининг мазмунини “Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат” деб билган бобокалонимизнинг ибратли ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун чинакам ҳаёт мактабидир. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аждодларимиз меросини ўрганиш ҳамда уни тадқиқ этишга қаратилган бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши партия сайловолди Платформасида белгиланган юксак маънавият ва ахлоқли, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш, улар қалбиди юртимиз тарихидан фахрланиш ва миллий ғурур туйғуларини уйғотишда муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур ҳамда Темурийлар сиймосини адабиёт ва санъат асарларида ифодалаш, бунинг учун аниқ тарихий далиллар, илмий асосларга таяниш, ҳар томонлама тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш бугунги кун талаби эканлиги семинарда сўзга чиққанлар томонидан алоҳида эътироф этилди. ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифалари ҳамда фаолиятида тарихимиз, тарихий сиймолар ва улар яратган асарларини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам бежиз эмас. Бинобарин, мазкур сай-ҳаракатлар халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва келажак авлодга бус-бутун етказишга хизмат қилади. Шунингдек, фуқароларимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий давлатчилигини тарихини, янги ўзбек давлатчилигини ривожлантиришнинг ҳозирги принципларини чуқур ўрганиши аждодларимизнинг жаҳон илмий тафаккури ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тегаран англаб етишида ўзига хос ўрин тутаяди.

Баҳс-мунозара ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбир якунида иштирокчилар музей экспозиция заллари бўйлаб саёхат қилдилар.

**Ш.МИРЗАЕВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Айём



# Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин

**Баҳор... Қишининг узоқ давом этган қорли-қировли, изғиринли кунларидан кейин дилларни соғингча тўлдириб, ўзининг меҳру тароватино гўзаллиги билан ўлкамизга кириб келди. Унинг илиқ тафти қалбларимизга ўзгача кайфият, меҳр улашиб, шижоатимизга шижоат кўшади. Қирларда эсаётган майин шаббонда қалбларимиз тубидан интиқликка малҳам бўлгандек. Она табиат уйғонди. Совуқ, қаҳратон ўрнини шивалаб ёғайтган ёлғирчи, будутлар ортидан мўралаган бобо кўёшининг саҳий нурига бурканган илиқлик эгалайди.**

Баҳор келиши, табиат уйғониши билан юртимизда асрлар силсиласида сайқалланб келаётган анъаналар, миллий қадрият ва урф-одатларимизнинг намунаси бўлган хашар, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошланади.

Дов-дарахтлар оқлиниб, шакл берилади, кўчалар, маҳаллау гузарлар янада обод гўшага айлантирилади. Бутун атроф бу хайрли юмушлардан яшнаб кетади. Деҳқон бобо кетмонини елгага олганча даласи томон ошади. Азалдан ҳамал — амал кириб, табиат уйғониши билан халқимиз, аввало, деҳқон бобонинг ишларига кут-барака тилаган. Ахир деҳқоннинг хирмони баракали бўлса, юрт фаровон, халқ ҳаёти тўқис бўлади-да.

Бутун гўзаллигини кўз-кўз қилиб, соллана келаётган баҳор — ўзи билан қатор байрамларни бошлаб келади. 8 март — дунёда азизу муқаррам бўлган аёллар, оналар байрами ҳамда минг йиллар давомида буюк қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўз шу-қу дилларга олам-олам қувончу, фахр туйғуларини улашади. Қадимий ва ардоқли байрамимиз Наврўз ўз моҳиятига кўра руҳий поклини ва унинг боқийлигини таранум этиш тантанаси сифатида ҳар биримизнинг кўнглимизга яқин. Эзгуликка йўғрилган бу қутлуғ байрам эл-юртни бирлаштиради, яхшиликларга бошлайди.

Наврўз азал-азалдан меҳр-мурувват, оқибатчилик тантанаси ҳисобланган. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий байрамимиз қайта тикланиб, унга бўлган эътибор янада кучайди. Буни ҳар йили давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинадиган Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисидаги қарор мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори айёмни марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан қутли олиш ва нишонлашда муҳим ўрин тутаяди. Мазкур қарорда Наврўзнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшashi, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳи-

тини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бораётгани ўз аксини топган.

Наврўз байрами ҳар биримизни меҳроқибатчиликка, муҳтожларга кўмаклашишга, бир-биримизга яхшилик қилишга даъват этади. Айниқса, жорий йилда бу каби ўзига хос, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз ҳаётимизда янада яққол намоён бўлади. Зеро, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи қўллаб-тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида тарихий шахарларга бепул саёхатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади. Айниқса, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги дастурий вазифалар Наврўз тантаналари билан уйғунлашган ҳолда ўзининг амалдаги ижросини топади. Байрам кунлари ўтказиладиган халқ сайллари, миллий спорт турларидан бўлган кураш, аркон тортиш мусобақалари фарзандларимизнинг чиниқшишига, спорт майдонларида ўзини намоён қилишига замин яратди.

Наврўз шодиёналарини кенг нишонлашда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз гоёвий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили фаол иштирок этади. Жумладан, партиянинг “Аёллар” ва “Ёшлар қаноти” ва барча даражадаги ташкилотлари жойларда миллий байрамимизга хос бўлган сайлар, спорт мусобақалари ҳамда форумлар ташкил этиб, ёш авлод вакилларини миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда бойитиш, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдириш асосий мақсад-вазифалар сифатида белгиланган. Айниқса, ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифалари сирасига киради. Наврўз айёмида партия томонидан ташкил этиладиган турли тадбирлар ушбу мақсад-вазифаларнинг амалдаги ижросига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу йилги байрам шодиёналари Президентимиз қароридан белгиланганидек, “Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!” деган шior остида кўтаринки руҳда нишонланади. Асрлар ардоғида улғайиб, авлодларнинг кўнгли чаманзоридан турфа чечаклар бўлиб очилган Наврўз бугун юртимизда ана шундай эътибор ва эъозда. Баҳорий хушқайфият, Наврўзи оламнинг шу-қуқи бошлаган эзгу ишларини, “Соғлом бола йили”дан қўзланган мақсад-муддаоларимизга қанот бағишлаш шубҳасиз.

**Мухтарома КОМИЛОВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Партияга ишонч

қуйи бўгин фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ

тимой-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида илгари сурилган фикрлар ЎзМТДП, хусусан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ундайди. “Ипотека банк” Хоразм вилоят филиали қўшади.

Ташкилланганидек, ЎзМТДП, хусусан, унинг бошланғич партия ташкилотлари томонидан банк кредитлари олиш шартларини аҳоли орасида ту-

шунтириш, ёшларни миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида қўллаб-тарғиб тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларда иштирок этаётган партия электорати вакиллари ўзлари учун зарур бўлган маълумотларга эга бўлишмоқда.

— Утган йили бошланғич партия ташкилотимизда аъзолар сони 17 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб улар 23 нафарга етди, - деди тадбирда сўз олган БПТ етакчиси Х.Нуриллаев. — Жорий йилда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, шунингдек, “Соғлом бола йили” Давлат дас-

турининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатish каби вазифалар қуйи бўгинлар фаолиятида устуворлик касб этади. Бунда бошланғич партия ташкилотларидан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Ўрни келганда айтиш жоизки, қуйи бўгинимиз партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Айниқса, қуйи бўгин томонидан сайловчиларни ўйлантираётган масалалар, ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига доир муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал қилиш бўйича партия гуруҳларига тақлифлар киритиш амалиёти йўлга қўйилгани электорат манфаатлари таъминланишида муҳим аҳамият касб этамоқда.

Қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Алишер РАҲМОНОВ,**  
ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси

## Хроника

# Юксак маънавиятли ёшлар

Ватан равнақиға ҳисса қўшади

## СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, “Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифалар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари С.Абдураимов бугунги кунда фуқаролик жамиятининг етакчи бўлини бўлган сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифаларни янада кучайтириш, сиёсий тузилманинг аниқ ва устувор йўналишларини белгилаб олиш, партия гуруҳларининг масъулиятини ошириш ЎзМТДПнинг ҳар бир аъзосини фаолликка қорлаши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Ангрэн шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган “Халқ фаровонлиги — энг олий мақсадимиз” мавзусидаги тадбирда юртимиз истиқлоли солномасида қайд этилган залворли ютуқлар, жумладан, юрт тинчлиги ва оқсоқиллигини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, бугунги тараққиёт, юксалиш замони ҳар бир юртодошимиз қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирди. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимиз киёфаси ҳамда ҳаётимиз маъно-мазмунини ўзгартириб юборган тарихий ўзгаришлар халқимизнинг ўзлиги, эрки, фаровонлигини таъминловчи улус неъмат эканлигини исботлаб турибди. Бу неъматни асраб-авайлаш, қадрлаш ҳамisha устувор вазифа бўлиб қолади.

## САМАРҚАНД

ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши томонидан “Соғлом бола йили” муносабати билан “Миллий тикланиш соврини учун” шиори остида ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича очиқ турнир ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши раиси Гулбахор Рустамова мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли бугун фарзандларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, байрогимизни баланд кўтаришгаётганини таъкидлаб ўтди. ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган бу каби спорт мусобақалари ёш авлод вакилларини қўллаб-қувватлаб, улкан марралар сари қорлаши шубҳасиз.

Спортсевар ёшларни бирлаштирган мусобақа якунида голиб ва совриндорлар партия туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан “Аждодларимиз ижоди — маънавият уммони” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Таъкидланганидек, жаҳон цивилизациясига бекиб ҳисса қўшган, дунёга машҳур Беруний, Ибн Сино, Форобий, Навоий, Ал-Бухорий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий сингари буюк бобокалонларимиз асарлари дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Улар қолдирган нодир асарлар, улкан маънавий мерос халқимизнинг ўзлигини англашда, ёшларимизнинг миллий, тарихий қадриятларимизга содиқ бўлиб ўлғайишларида муҳим аҳамият касб этади. Буюк мутафаккирларнинг ўлмас мероси барчамизни мудом эзгуликка, ватанпарварликка, юксак мақсадларга ундайди.

Тадбир давомида ёшлар ҳассос шоирларимиз - Мир Алишер Навоий ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобур ижодидан намуналар ўқишди. Фаол иштирокчилар партия туман Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## НАВОЙ

— Болалар спортини ривожлантириш мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг устувор йўналишини ташкил этади, - деди ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Ж.Бердиев “Фарзандлари соғлом юрт — келажаги порлоқ юрт” мавзусида ўтказилган тадбирда. — Юртимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилган замонавий болалар спорт объектлари мустақил юрт фарзандлари ихтиёрида. ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёслигини инобатга олиб, оила қадриятларини асраб-авайлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш партиянинг устувор дастурий мақсад-вазифаларидан бири эканлиги белгиланган. Йиғилиш иштирокчилари мазкур вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ишларини жорий “Соғлом бола йили”да янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши томонидан “Миллат саломатлигини таъминлашда спортнинг аҳамияти” мавзусида тадбир ўтказилди. — Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртуғи садоқатли, иймон-этиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суғанади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди, - деди ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Б.Жуманиёзов. — Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг ёш авлод учун барча имконият ва шароитларнинг яратилаётгани гувоҳ бўласиз. Айниқса, чекка қишлоқларда бунёд этилган спорт комплекслари кўзини кўриш қувватлади. Бугун вилоятимизда қад кўтарган бундай замонавий мажмуаларда Осиё, жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётгани ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Партияимиз томонидан “Миллий тикланиш соврини учун” шиори остида ўтказилаётган турли мусобақалар эса спортсевар ёшлар сафи янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

## ФАРҒОНА

ЎзМТДП Фарғона туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Оммавий маданият”нинг ёшлар онгига таъсири” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ф.Негматов сўзга чиқиб, жаҳон ахборот майдони жуда тез сурьатлар билан кенгайиб, мафқуравий таъсир ўтказишга уринишлар кучайиб бораётгани боис ёшларимизда маънавий иммунитетни шакллантириш долзарб вазифага айланиб бораётганини таъкидлади. Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида ёшларимизнинг ўз қобилият ва имкониятларини намоён қилишлари учун барча шароитлар яратилди. Ўз навбатида, ёш авлод вакиллари ҳам юртимиз шухратини маданият, санъат ва миллий ҳунармандчилигимиз воситасида бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда. Келажагимиз эгаларини ёт гоьлар таъсирига тўшиб қолшининг олдини олиш, уларни зарарли иллатлардан ҳимоя қилишда ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг ота-оналари иштирокида мунтазам тарғиб тадбирлари ҳамда турли соҳаларда ютуқларга эришаётган ёшлар билан учрашувлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

**Т.БУТУНБАЕВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши томонидан “Бошланғич партия ташкилотлари — партиянинг етакчи бўлини” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, АТИБ “Ипотека банк” Хоразм вилоят филиали бошқарувчиси Р.Артықов сўзга чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади:

— ЎзМТДПнинг турли даражадаги ташкилотлари Республикаимиздаги қатор банк муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзаро ҳамкорликда ташкил этилаётган тадбирлар электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш жоизки, электорат вакиллари ҳисобланган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш борасидаги қай-ҳаракатлар салмоғи йилдан-йилга кенгаймоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда иж-

8-март — Халқаро хотин-қизлар куни

## Нафосат, садоқат, шижоат тимсоли — аёл

манфаати ЎзМТДП фаолиятининг асосий йўналиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, “Она ва бола саломатлиги

ни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонуни бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларга ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотларда сиёсий партиялар ҳам муносиб иштирок этишга интиломоқда. Бу жараёнда, айниқса, хо-

тин-қизларнинг роли кундан-кун ошиб бораётганини эътироф этиш жоиз. ЎзМТДП ҳаётида хотин-қизлар роли қандай, улар ислохотлар жараёнига қай даражада ҳисса қўшишмоқда, ҳуқуқий демократик янгиланишлар партия “Аёллар қаноти” фаолиятида қай даражада акс этмоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида партиянинг бир гуруҳ фаол аёлларини суҳбатга тортидик.

**Ҳанифа ЗОКИРОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи:**



тин-қизлар ташкил этади. Ўтган 2013 йилда улар иштирокида 4 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилгани ҳам ЎзМТДПнинг хотин-қизлар масаласига бўлган эътиборидан далolat. Таъкидлаш жоизки, партиямиз ўз фаолиятини йирик лойиҳалар орқали амалга оширишни йўлга қўйган. Жумладан, хотин-қизлар орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий-ҳуқуқий, маданиятини, сиёсий етакчилик сифатларини шакллантириш, ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида беш йилдан бери мунтазам тарзда ўтказилиб келинаётган “Донolik ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови “Аёллар қаноти”нинг йирик лойиҳаларидан ҳисобланади.

Маълумки, партия сайловолди Платформасида “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” ижтимоий-маънавий лойиҳасини амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур лойиҳа доирасида

“Юксак маънавиятли оила — юксак тараққиёт гарови”, “Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг маънавий — ҳуқуқий асослари”, “Еш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда никоҳ шартномаларининг аҳамияти” каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш, давлат, жамият ва оиланинг фарзандлар тарбиясига эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, ёш авлодни миллий анъаналар ва урф-одатлар асосида кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, партияимизнинг асосий электорати саналган оилавий тадбиркор, хунарманд ва касаначилар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига қаратилган қатор тадбир ва кўргазмалар ЎзМТДПнинг дастурий вазифалари рўйида муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли спорт мусобақалари, фестивал ва акциялар партия атрофида юксак билими, зукко ва ташаббускор ёшлар ва хотин-қизларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда.



ўз самарасини кўрсатаётгани, аҳолининг кундан-кун ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганига амин бўламиз. Шу нуқтага назардан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишимиз, бизга билдирилган ишончни оқлашимиз лозим.

**Мавжуда РАЖАБОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

—Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб Президентимиз раҳнаомлигида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки жамият тараққиётининг муҳим омилга айланиб бормоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан сайловлар ва сиёсий партия фаолиятига оид қонунаришимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси партия томонидан кўрсатилмаган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлар вакиллари бўлиши шартлиги белгиланган бўлган. Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари, Сенат аъзоларининг 15 нафари хотин-қизлардан иборат. Шунингдек, ма-

ҳаллий Кенгашларда 181 нафар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 5 нафар партияимиздан сайланган аёл депутат фаолият юритаётган бўлса, Олий Мажлис Сенатидан 2 нафар ЎзМТДП аъзоси бор эканлигини инобатга олсак, қонунчилигимизда яратиб берилган имкониятлар натижасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаолияти янада ортиб бораётганига амин бўламиз.

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси вакили сифатида “Аёллар қаноти” томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этамиз. Унда аҳолига, жумладан, хотин-қизларга қабул қилинаётган Қонуналар, Президентимиз Фармон ва қарорлари ҳамда давлат Дастурларининг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб бораляпти. Бу борадаги маърузалар муҳокамасида хотин-қизлар билдираётган фикр-мулоҳазаларини тинглаб, тадбирларимиз

**Шоҳида АРИПОВА, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



иштирок этиб, хотин-қизларнинг жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, маънавий кадрларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бораётимиз.

Бугунги кунда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашида 5 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 51 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутат фаолият олиб бормоқда. Улар партияимиз сайловолди, платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда аҳолини ўйлантираётган айрим масала ва муаммоларни чуқур ўрганиб, улар ечимини ўз ваколати доира-

сида ҳал қилинишига қўмақлашмоқда. Худуд ҳаёти учун долзарб масалалар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларига ташаббус-масала сифатида киритилмоқда. Жумладан, ўтган йил партия гуруҳимиз томонидан халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши сессиясига “Термиз шаҳрида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини ошириш” масаласи ташаббус сифатида киритилди ва қарор қабул қилинишига эришилди. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳам муносиб улуши борлиги бизни янада руҳлантириб, фаолиятимизни кучайтириш, масъулиятимизни ошириш ва янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ундайди.

**Шаҳноза ҲАЛИЛОВА, педагогика фанлари доктори, профессор, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси:**

—ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказиладиган ўқув-семинарларда мунтазам иштирок этаман. Уларда партияимизнинг етакчи аёллари билан мулоқот қилиб, фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашамиз. Машғулотлардаги турли баҳс-мунозаралар, тренинглар, дебатлар аёлларнинг психологик хусусиятлари билан яқиндан танишиб, улар билан музокара олиб бориш имконини беради. Партияимизнинг етакчи, фаол аёлларида дадил фикрлар, таҳлилий ва образли тафаккур қирралари, ўз фаолиятига танқидий баҳо бериш, малаканинг моҳиятини атрофлича мушоҳада қилиш каби ижобий хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Шу-

нингдек, мазкур семинарларда сайловолди кампаниясида аёл имиджи, аёлнинг аудитория олдида ўзини тутиш қоидалари, аудиторияда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш алаҳқалари, бахсли ҳолатларда муомала маданиятининг муҳим қирралари, психологик механизмни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилишига катта аҳамият берилади. Мазкур семинарларда эгаланган билим ва малакалар партияимиз фаолиятини янада кучайтириш, юксак билим ва тафаккурга эга хотин-қизлар ҳисобига кадрлар захирасини мустаҳкамлаш имкониятини беради. Зеро, инсон ўзининг яширин қобилиятлари ва истеъдодини сиёсий майдонда



тўлақонли намoён эта олиши голиб бўлиш имкониятини кафолатлайди. **Шоҳида ДАМАНОВА, Тўмарис АЪЗАМ, “Milliy tiklanish” мухбирлари**

Муносабат

## Соғлом авлодни тарбиялаш

борасидаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг 2014 йил 19 февралда қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори юрт равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, улкан бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомига айланади.

Ушбу дастуриламал ҳужжат кенг жамоатчилик, мутахассислар, халқимиз томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди, чуқур ўрганилмоқда. Таъкидлаш лозимки, унинг биринчи бўлими соғлом, баркамол авлодни шакллантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиб, шу асосда амалдаги қонунчилик, маърифий-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилади, янги қонунлар ва қарорлар ишлаб чиқиладди. Бу эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Хусусан, Дастурда “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилган. Ушбу қонун лойиҳасида болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жараҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилди. Бу эса “оммавий маданият” никоҳи остида кириб келаётган ёт ғоялардан навқирон авлод тафаккурини, маънавиятини янада мустаҳкам муҳофазалашга хизмат қилади. Қолаверса, бу масала ЎзМТДПнинг муҳим дастурий мақсадларидан биридир, десак муболаға эмас.

Дастурда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ҳам режалаштирилган. Шу асосда амалда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш талаблари янада маромига етказилади. Соҳада мутахассис-

лар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, замонавий ва самарали спорт инфратузилмаларини шакллантириш, юқори даражадаги спортчилар ҳамда уларнинг захирасини тайёрлаш учун янада қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Бу эса жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, соғлом болани вояга етказишнинг муҳим гаровидир.

Давлат дастурида “Таълим тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўрсатиб ўтилган. Бу нодавлат таълим фаолиятини лицензиялаш билан бевосита боғлиқ бўлиб, соҳада билим бериш сифати ва имкониятларини янада оширишда айна мударрадир. Чунончи, нодавлат таълим фаолияти билан фақат муассаса шаклида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари шуғулланиши мумкинлиги тўғрисидаги чеклашлар олиб ташланиши мўлжалланаётди. Шулар баробарида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши ёшлар сиёсатининг устувор йўналишлари қамраб олинган ҳолда бу йўналишда давлат органлари масъулиятини янада кучайтириш, вояга етмаганларнинг ҳимояланганлигини янада мустаҳкамлайди. Ушбу санаб ўтилган қонунлар ЎзМТДП фракцияси депутатлари зиммасига жиддий вазифалар юклайди.

Эътироф этиш лозимки, Давлат дастурида соғлом бола, айниқса, қизларни вояга етказиш, уларни замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлишлари, турли тўғаракларга жалб этиш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда бир қатор қўшимча таъсирчан ташкилотлари қаторида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЕИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли, масъулиятини ошириш, ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу учун комплекс чора-тадбирлар белги-

лаб берилган. Бу эса республикамизда рўёбга чиқарилаётган улкан ислохотлар самарасини ҳар бир оила, хонадонга кириб бориш, фуқароларда бунга дахлдорлик ҳиссини оширишда салмоқли ўрин тутди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурининг ҳар бир бандини чуқур ўрганиб чиқар эканмиз, уни тўлиқ рўёбга чиқариш стратегик муҳим аҳамият касб этишини янада чуқур англаймиз.

Давлат дастурининг мақсад ҳамда вазифалари, унинг амалга оширилишининг боришини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Бу Дастурнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини тушунтириш баробарида, аҳоли кенг қатламларини унинг иҳросидаги масъулиятини янада оширишга ҳам хизмат қилади. Ушбу фикрлар депутатлар ўзлари сайланган округлардаги сайловчилар билан учрашувлар чоғида мунтазам таълим ва кенг етказилишига ҳам тааллуқлидир. Бинобарин, жисмонан соғлом, маънан етук, буюк келажакка эга давлат кура оладиган авлоднинг уйғайтириш мамлакатимизнинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодиётнинг барқарор равнақини таъминлаш, халқаро аренада муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқлари пойдевори эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хулоса ўрнида айтганда, “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши болалар, ёш авлод, эртанги кунга бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлаш учун кўрсатилаётган ҳар томонлама эътибор ҳамда ғамхўрликнинг навабдаги босқичи, мамлакатимиз ўз олдига қўйган олижаноб мақсад ҳамда вазифалар рўёби, давлат ва жамиятнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада уйғунлаштиришнинг мантиқий давомига айланганини таъкидлаш лозим.

**Олим ҲАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Қонунчилик палатасида

## Фракция йиғилиши бўлиб ўтди

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, бир қатор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.**

жиҳозлаш борасидаги сиёсатни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш каби масалаларга қаратилди.

Ўтган даврда Ҳисоб палатаси томонидан бир қатор идора ва ташкилотларда Давлат бюджетни маблағларидан қонуний, мақсадли ҳамда самарали фойдаланиши устидан белгиланган тартибда назорат тадбирлари олиб борилди. Шу билан бирга, Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллий бюджетларининг 2012 йилги ижроси ва маблағларнинг сарфланиши, бюджет харажатларини оптималлаштириш резервларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан текширишлар амалга оширилди.

Муҳокама чоғида айрим маҳаллий ҳокимликлар бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаш, мавжуд имкониятларини ишга солиш ўрнига давлат бюджетидан берилган маблағларни мақсадсиз ва самарасиз сарф қилинишига йўл қўяётганликларини танқид қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган қонун бузилиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш масаласига баъзи идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар мутасадди раҳбарлари томонидан етарли даражада эътибор қаратилмагани, бюджет



жет маблағларидан фойдаланишда ва бюджет ижросини таъминлашда муайян камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.

Депутатлар Ҳисоб палатаси текшириш ўтказган идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг мамлакатда яратилган қулай иқтисодий муҳит ва имкониятлардан умумий фойдаланишга, мавжуд резервларини излаб топиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидлади.

Муҳокамаларда сўз олган фракция аъзолари жорий йилда республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилмаган муассасаларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича самарадорликни таъминлаш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш бўйича Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини янада кучайтириш бўйича тақлиф ва тавсияларини баён этишди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масала юзасидан фракция қарори қабул қилинди. **Ўз мухбиримиз**

# Маънавият

## Янги нашр

### “Маънавий ҳаёт”

Республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази муассислигида янги, тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп журналнинг нишона сони нашрдан чиқди

Журнал “Тарих, фалсафа, маънавият — миллий тафаккурнинг уч устуни” деб номланган мақола билан бошланган. Мақолада қайд этилганидек, ўзликни англаш гоёси миллий маънавият билан чамбарчас боғлиқ бўлган ноёб ҳодисадир.



Бошқача айтганда, миллатни миллат, халқни халқ сифатида номоён этадиган куч — маънавиятдир. Маънавий тараққиётни тарих ва фалсафадан айро ҳолда тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги кунда тарих ва маънавиятнинг ҳам фалсафий тамойилларсиз тушуниб бўлмайдиган. Мана шу ўта долзарб уч йўналишни чуқур ўрганган тақдирдагина босиб ўтган йўлимиз, бугунги ҳаётимиз, келажак тараққиётимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама чуқур англаб етишимиз мумкин.

Муҳаммад Қуროновнинг “XXI асрда қайси давлат кучли бўлади?” мақоласида ўзбек ёшларига берилган чексиз имкониятлар ҳусусида сўз боради. Муаллиф маънавиятнинг кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг биринчи устуви бўлиши йўқки, у бевосита ёки билвосита бизнинг келажакимиз бўлган ёш авлод тарбияси билан боғланмаган бўлсин. Чунки, ёшларимиз, халқимиз орзу қилганидек ҳар томонлама соғлом ва баркамол

Ўз муҳбиримиз

## Аёл ва жамият

### Нозик ва улўф хилқат

Аёл — миллат куч-қудрати, ифтихори! Аёлни авваломбор, меҳрибон ОНА сифатида эъзозлаймиз. Баҳорий байрамларнинг аввали ҳам гўзал ва дилбар онасингаларимизнинг айёми билан бошланиши бежиз эмас.

Мамлакатимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлидаги ислохотлар самарасида хотин-қизларимизнинг ҳам беқийс ҳиссаси бор. Шу маънода юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга ошириллаётган.

Бугунги кунда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, умуман барча жабҳада она-сингаларимиз ташаббус, фаоллик кўрсатиб, самарали меҳнат қилмоқда. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи божхона органларида 700 га яқин хотин-қизларимиз фаолият юритапти.

— Божхоначи формасида ишга келар эканман, ич-ичимдан фахрланардим, — дейди “Тошкент-Аэро” иқтисослаштирилган божхона комплексининг Даромадлар ва божхона қиймати бўлими бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Альбина Аҳмедова. — Инсон аввало, ўз касбини севиши ва қилаётган ишдан маннун бўлиши лозимлигини ўшандаёқ англаганман. 18 йилдан бери шу касбда фаолият юритар эканман, ҳали бирор


марта ҳам афсусланганимни эслолмайман. Бунинг асосий сабаби оилам ҳамда жамоадошларимнинг қўллаб-қувватлашида деб биламан.

Меҳнат фаолиятини 34 йил муқаддам оддий ишчи сифатида бошлаган қаҳрамонимиз ўтган йиллар давомида халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида муҳандис, иқтисодчи, банк ходими сифатида фаолият юритди. Тақдир тақозоси билан 1996 йили божхона хизматида ишлаб бошлади. Ҳақиқатда давлат солиқ қўмитасининг Божхона бош бошқармаси Сурхондарё вилояти божхона хизматининг 19-сонли “Ақсиз солиғига оид молларни расмийлаштириш” божхона пости инспектори сифатида хизматга киришди. Орадан 3 йил ўтиб, “Тошкент-Аэро” иқтисослаштирилган божхона комплексининг айна пайтда ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимига катта инспектор этиб тайинланди. Хизмат фаолияти давомида тезда ҳамкасблари хурматино қозонди. Бугун эса хизматга қабул қилинаётган ёш божхоначиларга устозлик ҳам қилмоқда.

— Катъият ва талабчанлик барча касбларга бирдек тааллуқли, — дейди А.Аҳмедова. — У ҳоқ ўқитувчи, шифокор, тадбиркор бўлсин, юқоридаги хусусиятлар барчага сув ва ҳаводек зарур. Аммо, қандай шароитда меҳнат қилишдан катъий назар энг катта шарти шуки — у ўзининг аёллигини унутмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонию мувофиқ, Альбина Аҳмедова 2006 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Қурулди Қуралига 15 йил” эсдалик нишони билан тақдирланди.

Хўсен ТАНГРИЕВ, журналист



Президентимизнинг 2008 йил 8 шолда қабул қилинган «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўъжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида ўтган йили тўлиқ реконструкция қилинган Қарши шаҳридаги 9-болалар музика ва санъат мактаби замонавий қиёфа касб этди.

Санъат масканида 171 ўғил-қиз фортепьяно, халқ чоғу асбоблари, торли ва камонли асбоблар ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат, эстрада йўналишларида сабоқ олмоқда. 45 нафар малакали мутахассисдан иборат педагогик жамоа ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шўғулланиб, уларнинг иқтидори ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Маданий мерос

### Тарихий мажмуа ва объектлар

уларни асраб-авайлаш мамлакатимиз туризм салоҳиятининг ошишига ҳисса қўшади

Мустақиллик йилларида юртимизда маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, бир қатор археологик объектларни аниқлаш, рўйхатга олишга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида жойлардаги қадим қадамжолар ва зиёратгоҳлар қайта чиroy очди.

Эътиборлиси шундаки, муқаддас зиёратгоҳларимиз маҳаллий ва хориқлик сайёҳларни ўзига жалб этиб келаетир. Бу эса ўз навбатида республикамизда туризм ривожини учун қулай шароит ва имкониятларни бермоқда. Юртимизнинг жануби Қашқадарёда ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинаёпти. Вилоятда 1023 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан археология объектлари 831, меъморчилик объектлари 172, зиёратгоҳлар эса 20 тани ташкил этади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги «2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доира-

сида вилоятда бир қатор ишларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган, — дейди Қашқадарё вилоти Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси бошлиғи Жаҳонгир Халилов. — Жумладан, вилоятнинг туризм салоҳиятини ошириш, минтақанинг ноёб тарихий, маданий меросидан самарали фойдаланиш, сайёҳлар учун меҳмонхона уйлар ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш, диққатга сазовор маданий ёдгорликлар бўйлаб замонавий сайёҳлик йўналишлари тузилди. Минтақанинг гўзал табиий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда экотуризмни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳам режада бор. Қолаверса, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ва вилоят аҳолисининг даромадини ўстиришга қаратилган кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

2013-2015 йилларда вилоят тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ва уларни консервация қилиш бўйича 35 та маданий мерос объектларида (Шахрисабз туманидан ташқари) таъмирлаш ишлари олиб бориш учун давлатимиз томонидан жами 17 миллиард сўмга яқин маблағ ажратил-

ди. Ўтган 2013 йилда Қарши қалъа девори, Ҳожа Шамсиддин Халвоний каби тарихий объектларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 январдаги қарори ижроси юзасидан таъмирлаш ва реставрация ишлари ҳам тўлиқ нийосига етказилди. Бунинг натижаси ўлароқ, Абу Убайда ибн ал Жарроҳ зиёратгоҳи бутунлай янги қиёфа касб этди. Шу қунгача ярим гектар майдонни оғаллаб ётган зиёратгоҳ нийоятда абгор ҳолга тушиб қолган. Эндиликда мазкур қадимжол қайта чиroy очиб, майдони нақд 5 гектарга кенгайтирилди. Мажмуанинг ҳозиргача сақланиб қолган меъморий иншоотлари Абу Убайда ибн ал Жарроҳ мақбараси, минора, қудуқ, қўш хужра ва ҳилхоналарнинг бари қайта таъмирланиб ўзгача чиroy ва кўриниш касб этди.

Ҳозирда ушбу қадимжол доимо гавжум. Айнақса, ёшларимиз ва чет эллик сайёҳларнинг қадами узилмайди. Бу эса вилоятнинг туризм салоҳияти кундан кун орттишига хизмат қилмоқда.

Шерзод ҚУРБОНОВ, «Миллий тикланish» муҳбири

## Китоблар оламида

### Аждодлар тарихи

олим нигоҳида

топилмаган. Шунинг ўзиёқ шумерларни илк маданият яратувчилари, деб айтишга асос беради. Ассирия пойтахти Ниневия харобаларидан топилган подшоҳ Ашурбанипал кутубхонасига тегишли бўлган юзлаб сопол тахтачалардаги ёзувларда эса математика ва тарбияга оид муҳим маълумотлар бор. Ушбу далиллар Месопотамия математика ва тарбиянинг фанларининг ҳам ватани эканлигиндан гувоҳлик беради.

Китобдаги муҳим масалалардан бири — шумерлар ва қадимги Миср ўртасидаги муносабат, улар орасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихидир. Кўпчилигимиз Миср эҳромларини тарихнинг энг қадимги ёдгорликлари, деб биламиз. Ҳолбуки, “Шумерлар ва Турон қавмлари” китобидаги маълумотларга кўра, мисрликлар мазкур эҳромларни бунёд этишда шумерларнинг бунёдкорлик тажрибаларидан ҳар тарафлама ўрганишган ва ибратланишган экан. Фақат масаланинг бир нозик жиҳати шундаки, шумерлар ўз табиий шароитидан келиб чиқиб, гил гишларидан миноралар тиклашган. Мисрликлар эса кўпроқ харсанг тошлардан фойдаланишган. Шу йўсинда, ушбу заминдаги эҳромларнинг умрбоқийлиги таъминланган.

Шак-шубҳасиз, китобдаги бош масалалардан бири шумерлар ва Турон қавмлари ўртасидаги азалий ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар тарихидир. Бундай тарихий алоқадорлик мавжудлигини дунёнинг кўпгина олимлари тан олар эдилару, бироқ З.Зиётов ҳақли равишда айтиб ўтганидек, фа-

қатгина собиқ шўро тузуми тарихчилари бу борада атайлаб сукут сақлар эдилар. З.Зиётов ушбу масалани тарихан асосли ва холис ёритиш мақсадида ўтмишда халқларнинг Ер юзи бўйлаб юз берган миграциясига доир кўплаб адабийларни ўрганиб чиқди, қадимшunosлик, этнология ва лингвистикадаги илмий изланишларни танқидий таҳлилий кўздан кечирди ҳамда тарихчилар ва Турон қавмлари қон-қариндошлигини исботловчи кўпгина диққатга сазовор маълумотлар ва далилларни топди. Улардан айримларини эслайлик.

Маълумки, жаҳон халқларининг тиллари ўз тарихий табиатига кўра агглютинатив ва флектив тилларга бўлинади. Агглютинатив тилларда сўз ясаши жараёнида сўзларнинг ўзаги ўзгармасдан қолади, қўшимчалар бор-йўғи сўз ўзагига қўшилади. Масалан, агглютинатив ҳисобланган ўзбек тилидаги “она” сўзини олиб қарайлик. Унга қўшимчалар: **онамга, онамда, онамдан...** тарзида қўшилади. Флектив тилларда эса, аксинча, сўз ўзаги ич-ичидан ўзгариб кетади. Масалан, араб тилидаги **илм, муаллим, олим, уламо...** сўзларининг ичдан ўзгариши эслайлик. Агглютинатив тил бўлмаган рус тилидаги “**прийти**” сўзи ҳам “**приходи**”, “**пришёл**”, “**придёт**”, “**не приходящий**”... тарзида ўзгариб боради.

Михат ёзувларини ўқишга муваффақ бўлган овурулик шумершunosлар шумер тилининг худди туркий тиллар каби агглютинатив тил эканлигини тан олганлар. Масалан, Раулинсон!

## Мулоҳаза

### Маънан баркамол авлод

соғлом муҳитдагина шаклланади

Оила ижтимоий институтининг бошланғич ва энг муҳим бўлагидир. Шундай экан, баркамол авлод тарбиясида халқимизнинг бу борадаги қарият ва аъналаридан унутмай фойдаланиш, ўзаро уйғунлаштириш ва ўзлаштириш талаб этилади.

Дарҳақиқат, маънан баркамол авлодлар соғлом оиладагина камол топади. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши оиладаги муҳит ва қарашларга ҳам чамбарчас боғлиқ. Ота-боболаримиз ўғити, ибрат-намунаси, оналаримизнинг битмас-туганмас меҳри туфайли биз оку қорани, яхшию ёмонни ажрата оламиз. Шунини инобатга олган ҳолда ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялайдиган, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ — оила мустаҳкамликнинг асраш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз бўлмоғи лозим.

Маънан баркамол авлод тарбиясида маҳалланинг ҳам ўзи ўрни ва масъулияти бор. Халқимизда “...бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақлнинг ўзи қифоя. Демак, кўни-кўшини ва маҳалладошлар бекорчи юрган болаларни тергашга, панд-насихат беришга тўла ҳақли. Аслида маҳаллалар яхши тарбиячи йўқ. Чунки маҳаллада соғлом қилиб тарбиялайдиган, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ — оила мустаҳкамликнинг асраш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз бўлмоғи лозим.

Миллий маънавиятимизга бевосита таъсир қиладиган омилардан яна бири таълим-тарбиядир. Комилликнинг замини илму фандир. Билмилли бўлмаб туриб, камолотга эришиб бўлмайди. Шу маънода, мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан қабул қилинган бир қатор дастур, қарор ва фармонлар таълим сифатини ошириш йўлида дастуриламал бўлмоқда.

Шаҳноза СОДИҚОВА, 2-Тошкент юридик коллежи кафедраси ўқитувчиси



«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Ҳафталикда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофизат қилиш, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва касаллик аниқланган шахсларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Юқори Чирчиқ туманидаги «Кавардон» қишлоқ врачлик пунктида тиббий кўриқ юксак савияда ташкил этилди. Бу тиббиёт маскани ходимлари «Янгиёвоб», Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатади.



(ЎЗА) олган суратлар.

## Тиббий хизмат

## Асосий мақсад — аҳоли саломатлигини сақлаш

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Зеро, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами кўлаб-қувватлаш юртимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳиятига ҳамроҳандир. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қатор қонун, қарор ва давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Бу борада Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган вилоят ногиронларнинг минтақавий реабилитация марказида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказ фаолияти билан танишар эканмиз, «Ўзбекистон фуқаролик масалалари» бўйича ахборот манбалари маркази фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлдик. Бу ерда ногиронлар фуқаролик масалалари бўйича ахборот олишлари учун барча зарур адаб-ётлар, аудиомагнитофон, видео ва аудио-тасмалар билан таъминланган.

Биз ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатларини ҳисобга олиб ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришимиз зарур. Шунга кўра, хусусий ишлаб чиқариш ва уй шароитларида ишлаш имкониятига эга ногиронлар учун касаначилик, қўл меҳнати билан боғлиқ иш турлари а йўналтирмоғимиз лозим, - дейди Д.Жуманиёзов. — Ногирон — бу имконияти чекланган шахс. Чекланишларни йўқ қилиш, ногиронни ишга, машғулотига қайтариш биз шифокорларнинг асосий вазифасидир.

Ҳа, бу масканда ногиронлар даволаниб, дам олишлари учун барча шароит муҳайё. Аҳиллик, дўстлик, бирдамлик, яхшилик ҳукми сурган жойда фаёз - барак бўлади, ҳаёт мазмунли кечади. 11 нафар шифокор, 30 нафар ҳамшира ногиронлар атрофида туну кун парвона. Беморлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар ҳақида фақат илиқ сўзларни эшитдик.

Марказда даволанувчиларнинг маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Янги бадий китоблар, газета ва журналлар тартиб билан териб қўйилган. Марказ ходимлари ўз устида тинимсиз ишлаши, малакасини ошириши учун ҳам имконият берилди. Улар хорижда малака ошириш курсларини ўтаб, илгор тажрибаларни ўрганиб қайтишмоқда. Натихада ногиронларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,  
«Milliy tiklanish» муҳбири

## Ободлик

## Озод юртнинг бахтли фарзандлари

истиқлолнинг буюк неъматларидан баҳра олиб яшамокда

Мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинган, замонавий мукамал тизим яратилганини бугунги кунда жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан кенг қамровли дастур ва қарорларнинг қабул қилиниши натижасида таълим соҳаси ҳар томонлама равиқ топди, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳавас қилгулик даражада улкан ютуқларга эришти. Буни ҳамма ни бирдек ҳайратга соладиган, бир-биридан чиройли коллеж, лицей ва олий ўқув юртилари бинолари, маданият, санъат ва спорт қосоналари мисолда ҳам яққол кўриш мумкин.

меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган бундай бебаҳо спорт саройини шўролар замонида хатто тасаввур ҳам қилмаслигимизни теран англайдилар.

Халқимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бахту саодати ва давлатимизнинг раванги йўлида изчиллик билан олиб борилаётган бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишлари тўғрисида ҳар қандай ҳорижликни ҳайратга соладиган даражада обод бўлиб бормокда. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, давлатимиз томонидан 2014 йилда яна 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди ва бунинг учун 173 миллиард сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилганидан қувонмай бўладими?!

Энг аввало, мамнуният билан айтиш лозимки, буларнинг ҳаммаси буюк неъмат — Тинчликнинг шарофатидир. Мамлакатимиздаги тинчлик ва оқсоқилликнинг ҳақиқатини, халқимизнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётида тугган беқиёс ўрнини ёшларимизга тушунириб бериш, уларни Ватанимиз, миллатимиз ва халқимизга садоқатли қилиб тарбиялаш ҳар бир устоз ва мураббийнинг, ҳар бир етакчининг муқаддас бурчига айланмоғи керак.

Бугунги давр биш — устоз-мураббийлар зиммасига ана шундай юксак ишонч ва масъулият юклайди. Буни ўзимиз учун ша-

раф деб билиб, ҳар доим бир кадам олдинда юришимиз, эл-юрт равнақи йўлида ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Ана шундай кутлуғ йўлда баҳамжихат, ҳамфикр бўлиб, бир-биримизни тушуниб, салоҳият ва имкониятларимиздан оқилона фойдалансанк ёшларимизни иймон-эътиқоди бутун, виждони уйғоқ, гурури баянд, ўз Ватани, миллати ва халқи билан фахрлана оладиган, меҳр-оқибатли, маънавияти баянд инсонлар қилиб тарбиялашда асло адашмаймиш. Ва, албатта, ёшларимизнинг бундай вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишларини кўнгилдагидек ташкил этиш бугуннинг энг асосий вазифаларидан биридир. Улар нафақат компьютер, балки кутубхона, фан тўғрисидаги касб-ҳунар устаконалари-ю спорт иншоотларига ошно тутишилари лозим. Зеро, бундай масканлар оқни қорадан, яхши-иймондан, эзгуликни ёвуликдан ажратишда, атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаришга ўргатади. Устоз-мураббийнинг ташаббускорлиги-ю, ташкилотчилиги айнан мана шу жараёнда яққол кўринади. Устоз ва шоғирдининг фикр муштараклиги-ю, ҳамкорлиги янги поғонага кўтарилади. Янги фикр ва гоялар тўғрисида, эл-юрт бахт-саодати йўлидаги хайрли ва савобли ишларимиз доираси янада кенгайди. Бугунги кун ёшлари эртанги кунга ишонч билан қарамокда. Келажакда улар ватанимизнинг садоқатли ва саодатли, ҳавас қилса аризулик фарзандлари бўлиб етишишлари шубҳасиз.

Нуриддин ОЧИЛОВ,  
Тошкент молия институтининг «Устоз ва мураббийлар» Кенгаши раиси

## Бугуннинг гапи

## Ривожланишнинг янги истиқболлари

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили мамлакатимизда эркин демократик жамият қурилиши соломасини алоҳида, сермазмун саҳифа билан бебаҳо боради. Ҳар бир йил мустақиллик даврида кечаётган умримизда, онг-шууримизда, турмуш тарзимиз ва ўй-қарашларимизда ўзига хос из қолдиради. Бугун биз ўтган асрнинг тўқсон биринчи йили кўздан бошланган янги, эркин ҳаётимиз тарихига назар ташлаб, шу йиллар ичида Юртбошимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, шу қисқа вақт ичида нақадар мураккаб, аммо улғу, асрга татиғулик шонли йўлни босиб ўтганимизга амин бўламиз. Фақат биз эмас, дунё ҳамжамияти Ўзбекистон ўзи танлаган, халқига, миллий манфаатларига хос ва мос йўлдан дадил одимлаётганига, ҳар бир йили барча соҳалар бўйича муваффақиятли яқунлаб, янада фаровон ва бахтли ҳаёт тадбирини кўраётганига гувоҳ бўлиб турибди.

Халқимизда эллик йилда эл янги бўлар, деган нақл бор. Бугун биз баралла айтишимиз мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилгирма икки йилда эл ҳам, юрт ҳам, онгу шуур ҳам янгиланди. Миллий истиқлол мафкураси, янги Конституция, янги иқтисодий сиёсат, янги кадрларнинг руҳиди камол топган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган, ўтмиш аждодларнинг маънавий меросидан баҳраманд янги авлод вояга етди. Бу авлод - бизнинг энг катта ютуғимиз, мамлакатимизнинг, халқимизнинг буюк ишончи ва таянчидир.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг йилгирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ислам Каримов Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларга эришиш, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида эришиш ва эришаётган ютуқларимиз ҳақида сўзлаб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифаларнинг муваффақият билан амалга ошириш дунё ҳамжамияти расман эътироф этган миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва унинг машҳур беш тамойили билан бевоқоф бўлиб, «Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрати бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар», деб таъкидлади Юртбошимиз. — Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда».

«Обод турмуш йили»да амалга оширилган ишлар ўз қўламини кўра мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳаётини яхшилаш, янада фойдали ва мазмундор қилишга алоҳида эътибор берилганидан кўрсатади. Аммо ҳаёт тўхтовсиз ўзгариб бормокда. Бинобарин, бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирилади. Буни ҳар бир йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабат билан ишлаб чиқилган махсус Давлат дастуридан ҳам билса бўлади.

Дастурда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш билан боғлиқ қонунчилик ва меъриёрий-ҳуқуқий

базани янада такомиллаштириш; «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишончи ва таянчидир.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг йилгирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ислам Каримов Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларга эришиш, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида эришиш ва эришаётган ютуқларимиз ҳақида сўзлаб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифаларнинг муваффақият билан амалга ошириш дунё ҳамжамияти расман эътироф этган миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва унинг машҳур беш тамойили билан бевоқоф бўлиб, «Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрати бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар», деб таъкидлади Юртбошимиз. — Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда».

«Обод турмуш йили»да амалга оширилган ишлар ўз қўламини кўра мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳаётини яхшилаш, янада фойдали ва мазмундор қилишга алоҳида эътибор берилганидан кўрсатади. Аммо ҳаёт тўхтовсиз ўзгариб бормокда. Бинобарин, бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирилади. Буни ҳар бир йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабат билан ишлаб чиқилган махсус Давлат дастуридан ҳам билса бўлади.

Дастурда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш билан боғлиқ қонунчилик ва меъриёрий-ҳуқуқий

йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида уларни соғломлаштириш, қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёлларни махсус поливитаминлар билан бепул таъминлаш, шунингдек, мактабга таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича янги дастурларни ишлаб чиқиш, бошланғич синфларда ўқитиш сифатини ошириш, чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор бериш, бошланғич синф ўқувчиларининг ёнги таълимини соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли ўтказиш, бунинг учун 280 минг нафар ўғил-қизларни имтиёзли, 35,7 минг нафарини бепул йўлланмалар билан таъминлаш дастурининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жорий йилда, жумладан, оналар саломатлигини муҳофизат этиш, болаларнинг соғлом туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур шароитларни янада яхшилаш мақсадида замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни замонавий тиббиёт ускуналари билан тўла-тўқис тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишончи ва таянчидир.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг йилгирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ислам Каримов Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларга эришиш, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида эришиш ва эришаётган ютуқларимиз ҳақида сўзлаб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифаларнинг муваффақият билан амалга ошириш дунё ҳамжамияти расман эътироф этган миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели» ва унинг машҳур беш тамойили билан бевоқоф бўлиб, «Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрати бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар», деб таъкидлади Юртбошимиз. — Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда».

«Обод турмуш йили»да амалга оширилган ишлар ўз қўламини кўра мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳаётини яхшилаш, янада фойдали ва мазмундор қилишга алоҳида эътибор берилганидан кўрсатади. Аммо ҳаёт тўхтовсиз ўзгариб бормокда. Бинобарин, бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирилади. Буни ҳар бир йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабат билан ишлаб чиқилган махсус Давлат дастуридан ҳам билса бўлади.

Дастурда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш билан боғлиқ қонунчилик ва меъриёрий-ҳуқуқий

М. АҲМАДЖОНОВ

## ФХДЁларда

## Никоҳдан олдинги тиббий кўрик

оилалар мустаҳкамлиги ва фарзандлар соғломлиги кафолатидир

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом бугунги кунда дунёга келаётган оилалар мустаҳкамлигида муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу Низомга кўра, барча фуқаролар никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш зарур.

Бундан кўзланган асосий мақсад - оилада соғлом муҳитни шакллантириш, турли касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат. Фуқаролигини қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ идоралари томонидан рўйхатга ўтказилган барча фуқаролар Оила Кодекси мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказилади. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий хасталик - сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИТС, руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешта касаллик бевоқоф наслга таъсир қилади. Ёшларнинг бири ёки икковиди ҳам касаллик аниқланган ҳолатда уларнинг текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқланган, никоҳ қайд этилади. Шунингдек, тиббий кўриқни ўтказган шифокор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрик натижаларининг ҳолислиги учун шахсан жавоб беради.

Дарҳақиқат, соғлом келин-куёв дегани соғлом авлод, бақувват ва етук зурриёт демакдир. Халқимизга хос ана шу аъна ва удумлар бугунги

кунда ҳам давом этаётгани, айниқса, никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамиятини кўпчилик фуқароларимиз англаб етишмоқда. Сўнгги йилларда бу борада амалга оширилаётган саёй-ҳаракатлар натижасида никоҳланувчиларда мавжуд бўлган касалликлар олдиндан аниқланиб, оилалар мустаҳкамлигига замин яратилмоқда.

Жорий йилда бу борадаги ишлар янги поғонага кўтарилади. Боси, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида соғлом фарзандларнинг дунёга келиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Соғлом бола ҳар томонлама соғлом бўлган ота-онадан дунёга келади. Шундай экан, аввало, бунёдга келаётган оилаларнинг саломатлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда иш кўришимиз, зиммасиздаги масъулиятнинг ҳис қилишимиз лозим. Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлашда ҳар биримиз ўз фаолиятимиздан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишимиз даркор. Айниқса, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмиталари, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари ҳамкорлигида соғлом оилани шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари бўйича оилалар, никоҳланувчи ёшлар ўртасида тушунириш ишлари олиб борилса, хусусан, никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти кенг тарғиб қилинса, жамиятимизда соғлом муҳит барқарор бўлишига замин яратлади.

Умида ЖАЛИЛОВА,  
Сергели туман ФХДЁ бўлими мудираси

Бизнинг шарҳ

## ДАСТУРЛАР ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ



кўп марта бўлинишларга учраб, янги партиялар юзага келган бўлса-да, ҲМК доимо бошқарувчи ролда қолган ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги жуда кўп ислоҳотлар, янгиланишлар айнан шу партия фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

ҲМКнинг низомига кўра, партия демократия тамойилларига таяниб, Ҳиндистон суверенитети, бир бутунлиги, миллий манфаатлари ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилади. Ўз мақсади сифатида "тинч ва конституцион йўл билан парламент демократияси асосидаги давлат тизimini яратиш"ни эълон қилган. Хўжаликнинг аънавий ва табиий шакллари қўллаб-қувватланади табақалардо тенгсизликка қарши курашиш ва бу масалада тинчликка эришиш шуллар жумласига киради. Партия, шунингдек, ўзининг махсус концепциясини эълон қилган. Унда хусусий мулкни сақлаб қолиш ва давлат секторини ривожлантиришда аҳолининг турли қатламлари билан ҳамкорликни ошириш, халқро тинчлик сибсати, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, қашшоқлик, саводсизликка барҳам бериш назарда тутилади. Шу билан бирга оилавий аъналар, миллий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масаласи ҳам партия илгари сураётган муҳим ғоялар қаторига киритилган.

Ҳиндистон миллий конгресс партияси шу йилнинг апрель ойида ўтказилган парламент сайловлари олдида қатор сайловолди кампаниясини авж олдиранган, халқ ишончини қозониш мақсадида оддий халқнинг ҳаётини яхшилаш учун барча чораларни сафарбар этмоқда. Хукумат яқинда оч-наҳор ҳаёт кечираётган қарийб 800 миллион аҳолига дон тарқатиш мақсадида субсидия ажратишга қарор қилди. Унга кўра, ҳар ойда мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмига бепул беш килограмдан гуруч тарқатилади. БМТ маълумотига кўра, Ер юзиде очлик азобини тортаётганларнинг 27 фоизи айнан Ҳиндистонга тўғри келмоқда. Янги дастурга кўра, қишлоқ аҳолисининг 70 фоизи, шаҳарликларнинг 50 фоизи арзон нархда гуруч ва бугдой сотиб олиш имконига эга бўлади.

"Бхаратия Жаната" партияси ўрта ва кичик тадбиркорлар, савдогарлар, ер

эгалари манфаатларини ҳимоя қилади. Партия иқтисодий тармакларни, давлат сектори ролини чеклаш масаласини илгари сурмоқда. Партия вакиллари, шунингдек, давлат корпорацияларини хусусийлаштириш, жаҳон савдо ташкилоти талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий либераллаштириш, хорижлик инвесторларга қулай шароитлар яратиш, тижорат авиайўналишларини очиш, халқаро тоифадаги қулай инфратузилмага эга шаҳарлар куриш сибсатини давом эттириш каби ғояларни илгари суради. Мазкур партия бугунги кунга келиб асосий эътиборни ишсизлик, қашшоқлик, саводсизликка қарши кураш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, эркин иқтисодий ислоҳотлар, тинчлик бўйича халқаро сибсат ва барча мамлакатлар билан дўстлик муносабатлари тарафдори эканини алоҳида таъкидлайди.

1988 йилда тuzилган "Жаната Далл" — Халқ партияси эса марказчилик мавқеини эгаллаб келаётир. Унда ХМК партиясида ўтган аъзолар ҳам бор. Партия доимо жамиятни демократлаштириш, синфий ва диний хурофотни бартараф этиш мавзусини шior қилиб олган. Мазкур партия хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу борада Миллий конгресс партияси ҳам айни пайтда ушбу жиҳатга жиддий аҳамият бера бошлади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатда 478 миллиондан ортиқ хотин-қизлар истиқомат қилади, шундан бор-йўғи 24 фоизи иш билан банд. Мутахассисларнинг фикрича, бу масала ҳозир ҳар бир партия олдида турган энг муҳим дастуриламал бўлиши лозим.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда "Жаната Далл" — Халқ партияси бошқа партиялардан бироз фарқли равишда узок ҳудудларда яшаётган аҳоли орасига кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Партия шу орқали нафақат хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, балки ёшлар орасида саводхонликни ошириш, уларни иш билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратишни мақсад қилган.

Ҳиндистон коммунистик партияси 1925 йилдан буён фаолият юритиб келади. Улар 1957 йилда Керала штати ҳокимлигини бошқариб келмоқда. Бу партия ХМКдан фарқли равишда тадбиркор ва ер эгаларини эмас, балки ишчи-деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилаётир. Кузатувчиларнинг фикрича, аҳоли сони бўйича дунёда 2-ўринда турувчи Ҳиндистонда айнан ўрта қатлам манфаатларини ҳимоя қилаётган ушбу партия нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда.

Азимжон ПУЛАТОВ

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Қимматга тушган осма кўприк

**Вьетнамнинг Лайтяу музофотида осма кўприк кулаган.**  
Тарқатилган хабарларга қараганда, оқибатда етти киши ҳалок бўлган, 30 нафар одам турли даражадаги тан жароҳати олган. Маҳаллий полициянинг сўзларига кўра, воқеа содир бўлган пайтда кўприкдан 50 нафардан кўпроқ одам ўтаётган эди. Кўприк кулаган пайтда йўловчилар 20 метр баландликдан тоғ дарасига тушиб кетган. Эслатиш жоиз, мазкур иншоот 2012 йилда бунёд этилган.

### Йирик битим

**"Facebook" ижтимоий тармоғи "WhatsApp" хабарлари хизматини сотиб олган.**

Келишув 19 миллиард АҚШ долларига баҳоланган. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бу нафақат "Facebook", балки ахборот технологиялари соҳасидаги йирик битимлардан бири ҳисобланади. "WhatsApp" бугунги кунда энг оммабоп хабарлар хизматига айланмоқда. Айрим маълумотларга кўра, мазкур тармоқдан айни пайтда 500 миллиондан ортиқ одам фойдаланади.



### Фойдали тадқиқот

**Олимларнинг таъкидлашича, ҳар кун июгурт истеъмол қилиш юқори артериал қон босими пайдо бўлиши хавфини камайтиради.**

Кузатишларга кўра, кальцийнинг асосий манбаси бўлмиш йогурт ва сут маҳсулотлари тановул қилиш натижасида инсон организмидеги қон томirlари эластик ҳолатга кириб, осонгина кенгайди. Бу эса тананда қон айланшини яхшилаб, қон босимини меъёрида ушлаб туради. Йогурт, шунингдек, мушак тўқималари учун ҳам жуда фойдали экани таъкидланган.



### "Уч чизғи"

**Нью-Йоркдаги "Кристи" аукциониде инсоният тарихида энг қимматбаҳо сурат сотилган.**

Хабарларга қараганда, машҳур музавир Франсис Бэкон ижодига мансуб "Люсьсен Фрейд" портретига "учта чизғи" номли картина 145 миллион АҚШ долларига сотилган. Суратнинг янги соҳиби маълум қилинмаган. Бу ерга турли давлатлардан кўплаб харидорлар келганига қарамай, аукцион атиги олти дақиқа давом этган.



### Кўзойнакларга талаб ошган пайт

**Кўёшдан муҳофазаловчи арзон ва сифатсиз кўзойнаклар соғлиққа салбий таъсир кўрсатади.**

Баҳор фасли келиши билан кўёш нурунинг таъсири ҳам сезила бошлади. Бу борада мутахассислар кўзларни асраш борасида айрим маълумотларни илгари суришмоқда. Хусусан, европалик бир гуруҳ олимлар томонидан олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, арзон кўзойнакларнинг линзалари остидан нур бир хилда ўтмайди, улар ультрафиолет нурларидан ҳам ҳимоя қила олмайди. Бундай ҳолат кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, астигматизм хасталигига олиб келиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида  
Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

Эълон

### "TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO" МЧЖ ахбороти

"TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO" МЧЖ томонидан 2014 йил 13 ва 20 февраль кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Сув хўжалиги иншоотлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи балансидаги д/р 01/0732BA бўлган «Тико» — 5 000 000 сўмга; «ISTIQLOL» санъат саройи балансидаги д/р 01/398JAA бўлган «УАЗ-3303-01» — 3 500 000 сўмга, д/р 01/394JAA бўлган «ГАЗ-31029» — 3 500 000 сўмга; «KAFOLAT» ДАК ОАЖ Тожик шаҳар филиали балансидаги д/р 01/934LCA бўлган «ГАЗ-3102» - 5 200 000 сўмга, д/р 01/935LCA бўлган «Матиз» - 8 500 000 сўмга; Тугатиланган «O'ZAVIALIZING» ОАЛК балансидаги д/р 01/537ECA бўлган «Нексия» — 20 000 000 сўмга; «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ балансидаги д/р 01/076EAA бўлган «ЗИЛ ММЗ-554М» — 18 500 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказлашган автотехнонаси балансидаги д/р 01/394HCA бўлган «KARSAN PEUGEOT» — 6 700 000 сўмга; Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси балансидаги д/р 01/022BCA бўлган «Дамас» — 11 500 000 сўмга, д/р 01/021BCA бўлган «Дамас» — 11 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Зафар МУҲАММАД

### Рангин дунё

## Пергамон музейи



эрамизга қадар II асрда Зевс маъбуди шарафига қадимги Юнонистоннинг Пергамон шаҳрида барпо этилган. Музейга Пергамон номининг берилиши ҳам шундан. Пергам меҳробини юнон-рум даврига оид энг ноёб экспонат бўлиб, 113 метрли хайкал-бордюр кўринишига эга. Унда Олимп маъбудлари ва титанлар ўртасидаги жанг ҳолати тавсирланган. Музейга асос солган ушбу экспонат марказий айвондан ўрин эгаллаган.

Айтиш жоизки, бизгача Пергам меҳробининг пойдевори ва безакли плиталаригана етиб келган, холос. Топилма 1880 йили Германияга келтирилган, моҳир реставраторлар иштирокида меҳроб безакларининг асл кўриниши тикланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Берлиндаги кўплаб бинолар қатори Музейлар ороли ҳам жиддий зарар кўради. Ушанда яхлит иншоотнинг деярли 70 фоизи вайрон бўлади. Антик иншоот 1945 йилгача Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақлана бошланди. Ҳатто, 1954 йили Эрмитаж меҳроб учун махсус зал аж-

ратиб, унинг кўрғазмасини ўтказди. Орадан тўрт йил ўтиб, Пергам меҳробини бошқа музей ашёлари билан бирга Берлинга қайтарилди. Бирок, бунинг эвазига немиш қадимшунослари Эрмитажга меҳробнинг гипсдан ишланган нусхасини ҳада этишди.

1990 йили Пергам меҳробини жиддий таъмирга эҳтиёж сеза бошлади. Лекин, ўшанда реставрация ишлари учун музейда етарли маблағ йўқ эди. Антик асар яна беқарор қолади. Уч йилдан сўнг Сан-Франциско нафис санъат ҳамда Нью-Йоркнинг "Метрополитен" музейларини таъмир харажатларининг ярмини кўтариш таклифи билан чиқди. Ва ниҳоят, 1997 йили Пергам меҳробини Сильван Бертолин бошчилигидаги реставраторлар жамоаси томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 2004 йили Пергамон музейининг рамзи бўлмиш меҳроб яна экспозицияга қайтди. Шунингдек, бу ерда қадимги рим дарвозалари, юнон маъбудларини акс эттирувчи кўлаб хайкаллари номоша қилиш мумкин.

Бундан ташқари, Пергамон



музейи Яқин Шарқ маданиятига оид ноёбликлар билан дунёга машҳур. Унинг бағридан Иштар дарвозаси жой олган бўлиб, бир пайтлар Бобил давлатида маъжуд ички дарвозаларнинг саккизинчиси бўлган. Дарвоза эрамизга қадар 575 йили шоҳ Навуходоносор буйруғига асосан шаҳарнинг шимолий қисмида қурилган. Иштар дарвозаси ярим доира кўринишидаги улкан арка ўхшайди. Ушбу гиштин иншоот Иштар маъбудаси шарафига барпо этилган экан. Унга безак беришда мовий, сариқ, оқ ва қора ранглар, шунингдек, ёввойи хайвонлар расмидан ўта моҳироналик билан фойдаланилган. Шунданми, дарвозадаги ҳар бир унсур табиий чиққан.

Пергамон музейининг юқори қаватидан VII-XIX аср ислом маданияти ва санъатига оид нодир асарлар ўрин эгаллаган. Нафис миниатюралар, гилам, ёғоч ўймакорлиги намуналари томошабинни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Айниқса, ниҳоясига етмай қолган нақшинкор қурилма улар орасида энг ноёби ҳисобланади. Мазкур қурилма VIII аср ўртасида барпо этилган бўлиб, Иордания саҳроси-

**ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мерос объектлари сирасига кирувчи Музейлар ороли (Шпрее дарёси, Шпрееинзель оролининг шимолий қисмида жойлашган) - берлинликлар ва хорижлик меҳмонларнинг севишли маскани ҳисобланади. Бу ерда ноёб тарихий экспонатлар тўпланган бўлиб, улар ҳақида минг бора эшитилган кўра бир марта кўрган афзал.**

Орол ҳудудиде нақд бешта — Боде, Пергамон, Миллий галерея, Эски ва Янги музейлар мавжуд. Мазкур музейларда жуда кўплаб санъат асарлари сақланади. Уларга боқар экансиз, узок аждодлар тарихидан воқиф бўлиш баробарида илк цивилизациялар нафаси, ўша давр муҳитини ҳис этиш мумкин. Музейлар ороли тарихи 1797 йилга бориб тақалади. Айнан ўша йили қирол Фридрих Вильгельм II Шпрееинзель оролида музей ташкил этишга қарор қилади. Аввал бошдан омма учун мўлжалланган музейда қирол антик даврга оид санъат асарлари намойиш қилиниши ва сақланишини истади. 1830 йили оролда Эски, ундан кейинроқ яна учта музей очилди. Пергамон музейи оролда мавжуд музейларнинг энг сўнггиси бўлиб, 1930 йили ўз фаолиятини бошлаган.

Берлин шаҳридаги оммавий масканлардан бири ҳисобланмиш Пергамон музейининг биноси архитекторлар Людвиг Хоффман ва Альфред Мессель томонидан лойиҳалаштирилган. Ушанда бино Карл Хуман бошчилигидаги археологлар гуруҳи тақдим этган Пергам меҳробини махсус қурилади. Меҳроб

Маданият  
ва спортБаҳор  
вернисажи

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида анъанага кўра "Баҳор вернисажи" деб номланган кўргазма очилди. Унда юртимиздаги аёл рассомларнинг турли жанр ва йўналишдаги 300 га яқин асарлари ўрин эгаллаган.

Вернисажда рассом, педагог Дилором Мамедова кўп қисмли бевосита плерда ишланган 140 га яқин асарлари билан қатнашмоқда. Рассом ижодининг асосий мавзуси Ўзбекистон манзараси, унинг йил фаслларини оддий ва тушунарли тарзда ифода-лашди. Кўргазмага қўйилган асарлардаги самимилик ва меҳр билан тасвирланган тоғли қишлоқларнинг сокин кўчалари, сой сувларининг жўшқин шарқираши, қишнинг аёз тонги, баҳор гуллари ҳар қандай томошабинни мулоҳазага чорлайди.

Кўргазма шу йилнинг 17 мартига давом этади.

А.ҲАСАНОВ

«Давомийлик  
чорраҳаси»

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, фото устаси Хусниддин Атонинг шахсий фотокўргазмаси ўтказилмоқда.

«Давомийлик чорраҳаси» кўргазмасидан ижодкорнинг ўзбекана анъаналаримиз, турмуш тарзимиз, урф-одат ва қадриятларимиз, шунингдек, юртимиз маданияти ва спортга оид мавзулардаги 80 дан ортиқ ишлари ўрин олган. Ижодкорнинг илк фаолияти 2002 йили Тошкент шаҳри ҳаётига бағишланган фотокўргазма ҳамда «Меҳрибон қариялар» халқаро кўргазмасидаги иштироки билан бошлаган. Ижодкорнинг ишлари орасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидан тайёрланган фотоасарлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бир сўз билан айтганда, фотоуста объективидан бугунги кунимиз, давр одамлари четда қолмаган.

З.МУҲАММАД

Чавандозлар  
беллашуви

Наманган шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб улук-кўпқари бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон улук-кўпқари федерацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари терма жамоалари ўзаро куч синашди. Саралаш ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказган Андижон ва Фарғона вилояти жамоалари биринчи ва иккинчи, Наманганлик ҳамда Навоийлик чавандозлар учинчи ўринни эгаллашди. Чемпионат доирасида оммавий улук халқ ўйини II республика шахсий биринчилиги бахслари ҳам ўтказилди. Унда юқорида қайд этилган саккизта вилоятдан икки юз нафардан зиёд моҳир чавандоз иштирок этди.

ЎЗА

## Мозийдан садо



## Амалий санъат музейи

Ўзбекистон Амалий санъат музейи биноси миллий меъморчилик ва безак санъатининг нодир намуналаридан биридир. Иштироқ Шарқ халқларининг ўзига хос анъаналарини сақлаб келаётган меъморий ёдгорлик сифатида савлат тўкиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Амалий санъати музейи хазинасида XIX асрнинг биринчи ярмида то ҳозирги кунларгача бўлган даврни қамраб олган, қўлигул усталар томонидан яратилган бебаҳо амалий санъат дурдоналари сақлаб келинмоқда. Музейда тўпаланган буюмлар 20 нондаги коллекцияга ажратилиб сақланади ва кўргазмаларда намойиш қилинади.

Музейнинг марказий хонаси шифти кундал услубида безатилган. Унга зеб беришда уста Олимжон Қосимжонов наққошларга бошчилик қилган бўлса, кошчиларни риштонлик кулол, уста Абдулла ишлаган. Музейнинг марказий қисми ҳисобланмиш «Меҳмонхона» энг бой ва ҳашаматли хонадир. Бу ерда фахрий меҳмонлар кутиб олинади. Меҳмонхона бетакрор ечимга эга бўлиб, деворлари бағамом ганч ўймакорлиги намуналари билан безатилган.

Музейимизга ташриф буюрган барча меҳмонларни, жумладан, хорижликларни меҳмонхонадаги безак ишларининг қўл меҳнати орқали бажарилишига ҳайратга солади, дейди музей катта илмий ходими Сайёра Усмонова. — Кўпгина ривожланган давлатлардан ташриф буюрадиган сайёҳларнинг усталар қўл меҳнати ва халқ амалий санъати дурдоналарида ишлов беришда фойдаланилган миллий руҳдаги ранглар жиловидан лол қолишини кузата туриб, техника тараққиёти қанчалик ривожланмасин, инсонлар барибир оддийлик ва табиийликка руҳан интилишларига гувоҳ бўламан. Марказий зал деворларида акс этган 80 дан ортиқ нақшкор гуллар, композиция қуришда қайталанмайдими. Шимолий ва жанубий деворларга ўрнатилган ганчкор тоқчалар — машҳур тошкентлик усталар авлоди саналган Тошпўлат Арслонқулов бошчилигида амалга оширилган. Рўзгор анжомларини кўйишга мўлжалланган тоқчалар панжара кўришида ўйилиб, ранглар билан пардозланган. Фарбий ва шарқий деворлар эса бухоролик ус-

талар томонидан ишланган. Уларнинг ўямаси анча чуқур олиниб, ўта нозик ва нафис кўриниш ҳосил қилган. Бухоро ганчкорлари етакчиси машҳур халқ устаси Ширин Муродов бўлган. Мураккаб геометрик усулдаги ўткир қиррали меҳроб аркаси ҳам устанинг меҳнати маҳсулидир.

Катта меҳмонхонадан ичкарига, яъни «Калонхонага» ўтилади. Ҳажм жиҳатидан кичик бўлган ушбу хонага тўқ рангларда зеб берилган. Хона деворлари халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг холста ишланган асарлари осилган. Улар шарқ миниатора санъатининг ноёб кўриши ва анъаналарининг давом эттиригани билан ахамиятли. Рассом чизган расмларда маълум бир мавзу ёритилиб, ўтмишдаги афсоналар саҳна лаҳзи кўришида акс этади. «Мадраса», «Афсона», «Наврўз», «Сўзана», «Кулол» асарлари шулар жумласидан. Хона шифтига ишланган хаузақ — даставвал безак вазифасини бажарган бўлиб, кейинчалик буюртма асосида ганч қандил осилган.

Дўппи халқ амалий санъатининг ҳақиқий шох асарларидан бири, десак муболага бўлмайди. Музей экспозициясидан ўрин олган дўппилар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини қамраб олган. Улар кўриниши, нақш услуби, бадий рамзлар уйғунлиги билан бир-бирдан фарқ қилади. Ҳар бир вилоятга хос



дўппиларнинг тайёрлишида уша жойнинг табиий шароити, ўзига хос урф-одати, атроф-муҳит, аҳоли турмуш тарзи ва маҳаллий анъаналарнинг тарихий ривожланиши таъсир кўрсатган. Музей захираларида сақланаётган санъат асарлари, дўппиларнинг оид мактаблар бўйича кўргазмага қўйилган. Жумладан, Шахрисабз гилам дўппилари, Бойсуннинг пилтадўзи, Тошкентнинг дубоха «чорғу», Марғилон-Тошкент «оқ ироки» аёллар дўпписи, сўнгра Тошкент-Андижон мунчоқли «нозик» деб аталувчи дўппилар кўрсатилган. Охирида Бухоронинг ўзига хос зар дўпписининг турли намуналари томошабин эътиборига ҳавола қилинган.

Кулолчилик — халқимизнинг энг қадимий амалий санъат тури ҳисобланади. Бу ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб бугунги кунгача сайқалланиб, бойиб келмоқда. Музейнинг яна бир залида намойиш этилаётган замонавий кулолчилик ишларининг кўпчилиги 5-6 уста авлод давомчилари меҳнати, ижод маҳсулидир. Витриналарда Бухоролик Ҳамро Раҳимова, Касбилик Анвара Сатторованинг ишлари, шунингдек, Ўратепалик уста Гофура Халилованинг ўзига хос убулуда ясалган ўйинчоқ хуштаклари ўрин олган. Болаларга улашладиган бу ўйинчоқлар қурғоқчилик йилларида ёмғир ва мўл хил сўраб ўтказилмаган маросимларда чалинган. Бундай сопол ўйинчоқлар «уч-пулак» деб аталиб, унда акс этган хайвон тана азосининг уч қисмини

кўрсатган ва ўсимлик ранглари билан бўялган. Амалий санъат музейининг кулолчилик бўлимидан жой олган ҳар бир экспонат сизни шундай сеҳрлаб қўядики, бу ерни томоша қилар экансиз бир дам болалик хотираларига фарқ бўлишингиз аниқ.

Юртимизда сополчиликнинг ўзига хос мактаблари шаклланди. Риштон — энг қадим ва йирки сополчилик маркази бўлиб, 500 йил, баъзи бир манбаларда 800-1000 йиллик тарихга эгалиги айтилади. Миллий идишларнинг турли хил ўзига хос кўри-нишлари айнан риштонлик кулоллар томонидан кашф этилган. Безакларда ўсимликлар мавзуси устувор бўлиб, геометрик кўринишда чизилди. Сопол идишни сирлашда одатда мовий рангдан фойдаланилган. Ушбу ранг шарқ халқларининг сеvimли ранги бўлиб, меъморчиликда ҳам кенг қўлланилган.

Самарқанд сополчиликнинг ҳам ўз кўриниши билан бошқа мактаб идишларидан ажралиб туради. Самарқанд сополчилик устaxonаси ўзининг майда хайкал-тарошлик ишлари билан шуҳрат қозонган. Уларда ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзи, одамларнинг ўзига хос феъл-атвори акс этган. Кўргазмадан ўрин олган бу хайкалчаларнинг ҳар бири ўз бадий эчими ва мавзусига эга: «жарчи», «улук», «кураш», «тандир», «араз», «бахли ота», «севги ихори», «алла» шулар жумласидандир.

Бу ерда нафақат халқ усталари, балки, уста ва рассомлар ҳам асарлар қаърига сингиб, унут бўлиб кетган, археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги шакл ва нақшларни тиклаш мақсадида ижод қилиб келишмоқда. Бу борада Ўзбекистон халқ устаси, кулол, санъатшунос олим — Муҳиддин Раҳимовнинг ҳиссаси алоҳида эътиборга лойиқ. Уста барча маҳаллий мактаб йўналишларини ўрганиб, ушбу санъат турининг ҳақиқий шох асарларини яратмоқда.

Амалий санъат музейида бошқа ноёб экспонатлар ҳам бор. Мабодо, сизда улар билан танишиш истаги пайдо бўлган бўлса, музейга албатта ташриф буюринг. Музейда сизни қизиқарли саёҳат кутмоқда.

Назира БОЙМУРОДОВА,  
муаллиф олган суратлар

## Тадбир

## Ватан куйчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи талабалари қатнашди. Тадбирда талабалар шаҳарчаси

ҳокими Қахрамон Шоназаров, «Муҳаммад Юсуф» фонди директори, «Олтин қалам» газетаси бош муҳаррири Назира ас-Салом, шу фонднинг маъсۇл ходими, шоира Маъсума Аҳмедова, шоирлар Яхё Тоға, Нурилла Остонов, Мансур Юнус, давра суҳбатини олиб борган «Маънавият ва

маърифат» маркази директори Мурот Атамуротов ва талаба-ёшларнинг маъруза ҳамда ижодий чиқишларида Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг Ватанга меҳр-муҳаббати, инсонийлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга бағишланган шеърлари ёдга олинди.

Шоир шеърларидаги болаларча беғуборлиги, кишини ўзига беихтиёр жалб этувчи соддалиги, ҳамагга тушунарлилиги, шеърларининг авлодлар қалбида яшаётганлиги таъкидланди. Тадбир давомида ёшлар томонидан Муҳаммад Юсуфнинг ижодидан намуналар, шоир ижодидан илҳомланиб ёзилган шеърлар ўқилди ҳамда адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган фильм намойиш қилинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Жўка

Тиббиётда жўканинг икки тури: юраксимон (майда) ва ясси (йиррик) барглигидан доривор восита сифатида фойдаланилади.



Жўка 30 метргача етадиган дарахтдир. Унинг гуллари кўпгина доривор воситалар таркибида учрайди. Халқ таъобатига кўра, жўка гулидан тайёрланган дамлама (иссиқ ҳолида) йўтални даволайди, томоқ оғриғида чайилса қутилган самарани беради. Дамлама турли хил асаб касалликларида ҳам қўлланилади. Жўка гулидан дамлама тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйилади ва устига майдаланган гулдан бир ош қошиқдан солиб, ярим соат дамланади. Терлатувчи восита сифатида дамламадан кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади ва томоқ оғриғида иссиқ дамлама билан чайилади. Тиббиётда жўка гули дамламаси турли шамоллаш касалликларида терлатувчи дори сифатида истеъмол қилиш буюрилади. Оғиз бўшлиғи яллиғлинидан жўка дамламаси билан чайиш тавсия этилади.

## БИЛАСИЗМИ?

Цельсий ва Фаренгейт шкаласи бўйича -40 даражалик ҳарорат ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Бу ҳарорат иккала шкала ўртасидаги ягона ўхшашлиқдир.

Ҳар йили 10 миллион тоннадан зиёд азот Ерга момақалдиқроқлар кўринишида тушади.

## ТУРФА ОЛАМ

## Гул ва ёруғлик байрами

14-23 МАРТ КУНЛАРИ ЯПОНИЯНИНГ КЎҲНА ПОЙТАҲТИ КИТОТО ШАҲРИДА АНЪАНАВИЙ ХАНАТОРО БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ.



Сўзма сўз таржима қилганда «Ханаторо» — «гуллар ва ёруғлик сари йўл» деган маънони билдиради. Байрам кунлари шаҳарнинг тарихий қисми бўлмиш Хигасияма минглаб фонарлар ёрдамида янада ёришиб кетади. Қолаверса, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб қизикарли сайрлар уюштириш кўзда тутилган. «Ёруғлик йўли» байрам намойиши эса Киотода мавжуд жамики ибодатхона ва муқаддас қадимжолар бўйлаб ўтади. Шу кун шаҳар кўчалари икебаначилар ассоциацияси томонидан анвойи гуллар билан безатилади. Бундан ташқари, Маруяма боғида икебана ва қоғоз фонарлар кўргазмаси ташкил этиларкан. Гул ва ёруғлик байрами кунлари шаҳар боғларида санъаткорлар томонидан халқ кўшиқлари қуйланиб, маҳаллий аҳоли ва меҳмонларга хуш кайфият бағишлаши кутилмоқда.

## Ҳайдовчилар учун қулайлик

ШУ ҲАФТАДА ЖЕНЕВА АВТОСАЛОНИДА APPLE IOS ТИЗИМИДА ИШЛОВЧИ ИЛК АВТОМОБИЛЛАРНИНГ РАСМИЙ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Маълум бўлишича, ушбу тизим илк бор Ferrari, Mercedes ва Volvo автомобилларида синиб кўрилган. Тизимнинг машина билан интеграциялашуви энг аввало, ҳайдовчига қўлни рулдан узмай туриб бошқариш имконини беради. Яъни, ҳайдовчи машина интерфeyси орқали «Siri» ни ёқиб, овоз орқали буйруқ бериши, хабар эшитиши ёки юбориши, харитадан фойдаланиши, шунингдек, турли хил бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин. Ушбу автомобиллар iOS 7.1 платформасида ишлаши кутилмоқда. iOS борт тизимида ҳозирданок Mercedes-Benz, Ferrari, Volvo, Acura, Chevy, Honda, Hyundai, Infiniti, Jaguar, Kia, Nissan, Opel автомобилларини ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан қизиқиш билдирилмоқда.

З.СОИРЖОНОВ тайёрлади